

# Хабар

6  
(960)-son

11-fevral

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

“Ўзбектелеком” АК:

## Телекоммуникациялар ривожини янги босқичда



Жамиятда янгидан-янги ахборот ва телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёж замонавий технологияларнинг ривожланиши йўлини белгилаб беради. Бугунги дунёда телекоммуникациялар жамият ва иқтисодий эҳтиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланган. Қайси ташкилот ёки корхонада телекоммуникация хизматларидан фойдаланилмайди, дейсиз? Деярли ҳар бир иш берувчи ўз ходимларига ҳеч бўлмаганда интернет, овозли ва видеоалоқа, қисқа матн хабарлари ва файллар алмашиш имкониятини яратиб беришга ҳаракат қилади. Булар, нафақат келajak учун, бугунги кунда ҳам иш самарадорлигини белгилувчи воситаларга айланиб улгурган.

Ақсарият мамлакатларда телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёж асосан маҳаллий оператор томонидан қондирилади. Мамлакатимизда шундай масъулиятли вазифа “Ўзбектелеком” АК зиммасига юклатилган.

5-бет

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Япония ва Жанубий Кореянинг йирик мобил алоқа компаниялари мобил тўловлар тизимига ўхшаш тизимни жорий этиш мақсадида уюшма тузишларини маълум қилишди. Биринчи босқичда янги мобил тизим ҳар икки мамлакатда ишлайди, абонентлар ўз мамлакатлари ва ҳамкор мамлакатда бўлган пайтлари тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Эътиборли жиҳати, янги хизмат тобора оммаланиб бораётган NFC масофадан тўлаш технологиясига асосланган, яъни барча хизмат ва маҳсулотлар учун тўлов мобил телефон орқали амалга оширилади.

### Ушбу сонда:

Вазифалар масъулияти	2
Почта молиявий хизматлари: Истиқбол ва муаммолар	4
UCell: первая в Ўзбекистане проекционная реклама	6
Икки улуг сиймо	13
Соҳа футзали: бугун раҳбар-ходимлар ўртасидаги турнир старт олади	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Интернет  
хамкоримиз

UZNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидар

## ➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

дан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида батафсил сўз юритди. Хусусан, 2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш Дастурининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборатдир:

Компания ва вилоят корхоналарининг маъмурий биноларини замонавий андозаларда таъмирлаш;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хай'ат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

## Вазифалар

# масъулияти

Йиғилишда дастлаб "Давлат алоқа инспекцияси томонидан олиб борилаётган назоратни қуцайтириш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш" тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Атамухамедовнинг ахбороти тингланди. Ахборотчи Давлат алоқа инспекциясининг хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини қуцайтириш бўйича вазифаларига атрофлича тўхталди ва инспекциянинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

"Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолиятларини ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисида" "UNICON.UZ" ДУК директори А.Файзуллаев ахборот берди. Маълумки, Ўзбекистон алоқа

ва ахборотлаштириш агентлиги Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади. "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ги қонунга мувофиқ, Махсус ваколатли орган электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш билан бир қаторда электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади.

2010 йилда "Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очик калитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида Низом" ишлаб чиқилди. Ушбу Низом лойиҳаси бир қанча ташкилот ва муассасалар томонидан кўриб чиқилиб келишилгач, Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга киритилди. Кенгашнинг 2010 йил 8 сентябрдаги 27-қарори билан Низомни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтган Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказ (ЭРИКРОМ)лари фаолиятини ўрганиш белгиланган. Ушбу қарорга мувофиқ махсус ишчи гуруҳ "UNICON.UZ" ДУК, "MultiSoft Solutions" МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божна қўмитаси, "Навийазот" ОАЖ қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказларида ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишлар ЭРИКРОМлар фа-

олияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан, бирорта ҳам ЭРИКРОМ дастурий маҳсулоти "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ги қонунда белгиланганидек ваколатли орган томонидан тегишли сертификациядан ўтказилмаган. Бугунги кунда турли ЭРИКРОМлар томонидан берилган ЭРИ калитлари сертификатлари бир хил стандартлар асосида берилган бўлишига қарамай бошқа тизимларда ишламайди. Калитларни рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган ЭРИ калитлари сертификатларининг формати Рўйхатга олувчи ваколатли орган томонидан берилган сер-

маркетинг тадқиқотларига асосан Тошкент шаҳри туманларида ҳамда вилоят марказлари ва йирик шаҳарларининг аҳоли гавжум жойларига янги дизайндаги "Матбуот" дўконларини жойлаштириш; компания ва вилоят корхоналарида фойдаланилаётган автотранспортлар ҳамда офис мебеллари ва мавжуд компютер техникаларини янгилаш, шунингдек, вилоят корхоналари туман бўлиналари учун янги компютер техникаларини харид қилиш; вилоят ва туман (шаҳар) бўлимлари компютерларини компаниянинг ягона тизимига улаш; даврий нашрларга обунани қабул қилиш бўйича ишлаб чиқа-

риш жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш дастури орқали келгусида компания веб-сайтдан фойдаланган ҳолда обуна қабул қилиш имкониятини кенгайтириш; обуна ишлари

2010 йилда "Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очик калитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида Низом" ишлаб чиқилди.

тификат форматига мос келмайди. "UNICON.UZ" ва "MultiSoft Solutions" МЧЖдан ташқари, ЭРИКРОМларнинг дастурлари онлайн тартибда Рўйхатга олувчи орган билан алоқа қилиш имконияти бермайди. Бу ўз навбатида ЭРИ калити сертификатининг ҳақиқийлигини текшириш имкониятидан маҳрум қилади. Айрим ЭРИКРОМлар эски O'z DST 1092:2005 стандартидан фойдаланмоқдалар, ваҳоланки ушбу стандартнинг янги русуми O'z DST 1092:2009 ишлаб чиқилган. Ахборотчи ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

"2011-2014 йилларда вақтли матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш дастури тўғрисида" "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов ахборот берди. Маърузачи "Матбуот тарқатувчи" АК тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли etkazиб беришни, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда тизимни ривожлантириш мақсадида кейинги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида ва "2011-2014 йилларда вақтли матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш Дастури"-

билан банд бўлган ходимлар ва компютер операторларининг малакасини доимий ошириб бориш; "Матбуот" дўконлари сотувчиларининг малакаси ва муомала маданиятини ошириб бориш учун доимий равишда ўқув семинарлари ташкил этиш; тизим корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш мақсадида тадқиқот ишлари ўтказиш; жойларда "Матбуот" дўконлари сонини кўпайтириш орқали янги ишчи ўринлари яратиш; Ахборот-коммуникация технологиялари негизинда "Матбуот" дўконларида интернет карталари, ҳалқор телефон сўзлашув карталари, аудио-видео дисклари, уяли алоқа телефонларига тўлов карталари сотуви, телефон-факс ва нусха кўпайтириш каби янги хизмат турларини ривожлантириш; миқозлар талабини ўрганиш натижалари асосида дўконларда сотиладиган товарлар ассортиментини кўпайтириш; обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида компания шахобчаларида терминаллар сонини кўпайтириш.

Дастурни 2011-2014 йиллар давомида амалга ошириш учун 1 902,8 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

Хай'атда қўрилган масалалар қизгин муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Umadan Umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 2011 йилнинг 8-10 феврал кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон - Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасида Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган хай'ат йиғилиши ўтказилди.

"Қизилқумцемент" ОАЖда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Фермер хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш" мавзусида республика семинари ўтказилди. Анжуман иштирокчилари, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги қарздорлик ҳамда бошқа мулкый низоларни судда ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳакамлик судлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, суғурта, солиқ ва банк муассасалари, тегишли олий ўқув юрталаридан вакиллар иштирок этдилар.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Намунали миллия таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган тадбирда вилоят босқичларида голибликни қўлга киритган 14та миллия таянч пункти жамоаси иштирок этди.

Тошкентда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришнинг 2010 йилдаги якунлари ва навбатдаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда юртимиз сайёҳлик салохиятини юксалтириш, соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, сайёҳлик хизматлари сифатини ошириш, Ўзбекистон сайёҳлик салохиятини хоризда кенг тарғиб этишни фаоллаштиришга оид вазифалар белгилаб олинди.

# Яқун ва режалар

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг (РЧДК) навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда РЧДКнинг 2010 йилги иш яқунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2011 йилги муҳим устуворликларига бағишланган маърузасида қўйилган вазифаларга мувофиқ комиссиянинг 2011 йилги иш режаси муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида ЎзРЧДК томонидан радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастота полосаларини (номиналларини) ажратиш, республика радиочастота бириктиришларини халқаро-хуқуқий муҳофаза қилиш, радиочастота спектридан фойдаланиш борасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қарорлар белгиланган тартибда қабул қилинди, республика радиочастота органлари билан биргалликда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурил-

маларнинг ҳалақитларсиз ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари амалга ошириди.

Республика мутахассисларининг Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ва Халқаро электралоқа иттифоқи фаолиятида иштироки, шунингдек, 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига Тайёрлов мажлисининг 2-йиғилишига тайёргарлик ишларининг бориши, республиканинг конференцияга улуши лойиҳаси тўғрисидаги ахборот тингланди.

Йиғилишда республикада рақамли телеэшиттиришни жорий этиш ҳолати, “2010-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телеэшиттиришга ўтиш бўйича частота-ҳудуд режаси” чора-тадбирларини инобатга олиб, 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳар телемарказларида замонавий рақамли узатувчи ускуналарни ўрнатиш, янги технология-

ларни жорий этиш учун радиочастота спектридан фойдаланиш чора-тадбирларининг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Кабел телевидение тармоқларида “Wi-Fi” технологиясидан фойдаланиш истиқболларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишининг натижалари, уларни қўллаш юзасидан тавсия ва таклифлар ҳақидаги ахборот тингланди.

РЧДК қабул қилган қарорларига мувофиқ ажратилган частота полосаларида радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан тажриба учун фойдаланиш ишларининг бориши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, радиоэлектрон воситаларни олиб кириш ва республика ҳудудида фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида радиочастота спектридан оқилона ва самарали фойдаланишга оид қатор бошқа масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Муҳокамада сифат ва хавфсизлик

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиалида 2010 йил якуни бўйича иқтисодий-молиявий кўрсаткичлар ва 2011 йилдаги долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда уч асосий масала: филиалнинг 2010 йилдаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, пул маблағлари ва почта жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш ҳамда почта хизматларининг сифати муҳокама қилинди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан “Сифат”, “Пул маблағлари ва почта жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш” ишчи комиссияларининг ҳисоботлари тингланди.

Филиал директори А.Ҳайдаров корхонанинг 2010 йилдаги фаолиятига тўхталаркан, қатор йўналишлардаги режалар филиал томонидан муваффақият билан амалга оширилганини қайд этди. Хусусан, даврий нашрларга обуна уюштириш режасини ошириб бажарган Тошкент филиали бу йил республикада етакчилар сафига чиқиб олди. Бу ва бошқа фаолиятлардаги самарадорлик ходимларнинг иш ҳақларини ошириш, кераклича ижти-

мой муҳофазалаш имкониятларини яратмоқда.

Корхона раҳбари ва ишчи комиссия аъзолари почта алоқаси тармоқлари фаолиятида кузатилаётган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Ижро интизоми, пенсия ва нафақа пулларини тарқатиш, коммунал тўловлар қабул қилиш, почта хавфсизлигини таъминлаш, назорат-текширувларининг қонунийлигига эришиш ва даврий нашрлар чакана савдосини кўпайтириш борасида ҳали ишлаш кераклиги таъкидланди. Жойлардаги тармоқ раҳбарлари ва масъул мутахассисларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Филиал бўлимлари ва тармоқларида талабалар амалиёт ўташлари учун шароит яратиш, боғдорчиликни ривожлантиришга қўмаклашиш каби масалалар ҳам йиғилиш муҳокамасида бўлди.

**Собит АҲАДОВ,**  
“Xabar” мухбири

ОАТ “Алоқабанк” томонидан кредит ажратишни кенгайтириш истиқболлари унинг ривожланиш суръати билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги бир неча йилда банк кредит портфели бир неча маротаба ошди. Бу янги корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, биринчи галда, кредит портфелини кенгайтиришга таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, 2009 йилда банк кредит портфели 150,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 161,9 миллиард сўмга етди, деб хабар беради ЎЗА.

## “Алоқабанк” кредит портфели 161,9 млрд. сўмга етди

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва иқтисодиётни ривожлантиришда банklar муҳим ўрин тутмоқда. Чунки банк кредитлари қайта ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш фондлари айланишини таъминлаш имконини беради.

Айнан шу боис ўтган йили ОАТ “Алоқабанк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш ҳажми ҳамда кўламини кенгайтирди. Масалан, 2009 йилда қиймати 76,2 миллиард сўмлик кредитлар берилган бўлса, 2010 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратган кредитлари ҳажми 89 миллиард сўмга етди ва бунинг натижасида 1 минг 730 янги иш ўрни яратилди.

ОАТ “Алоқабанк” ўз мижозлари сафини кенгайтириш учун кредит турларини кенгайтирди. Уларни жорий этишдан мақсад, аввало, иқтисодиётимизнинг саноат, савдо, транспорт, қурилиш каби турли соҳаларига қарз маблағларини тақдим этишдан иборат. Бу, ўз навбатида, кредит таваккалчиликлари ва йўқотишларни камайтириш имконини беради. Масалан, корпоратив мижозларга айланма капитал, савдо битимлари учун маблағ ажратиш, жумладан, экспорт ва импорт операциялари, лойиҳавий ва инвестицион молиялаш, лизинг ва факторинг операцияларга кредит ажратиш каби қўллаб-қўллаб хизматлар таклиф этилмоқда. 2010 йил якунлари бўйича корпоратив кредит портфели 88,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Айни вақтда ОАТ “Алоқабанк” жисмоний шахсларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Банк аҳолининг кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда, муайян тўлов тури бўйича барча имконият ҳамда чекловларни батафсил тушунтирган ҳолда, уларни тўлашнинг турли усуллари таклиф этмоқда. Шу туфайли аҳолининг молия соҳасидаги саводхонлиги мунтазам ошиб бораётти. Натижада 2010 йилда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар умумий ҳажми 13,4 миллиард сўмни ташкил этди. Уларнинг катта қисми истеъмол ва ипотека кредитларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ОАТ «Алоқабанк» кредит ажратиш бўйича янги хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни давом эттиради. Бу эса банк мижозларига замонавий технологиялар асосида сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини молиявий жиҳатдан янада тўлароқ таъминлаш имконини беради.

## Маънавият ва маърифат ўқуви

“Бухоро Телеком” филиали техник хизмат кўрсатиш гуруҳи ишчи-хизматчилари ва муҳандислари иштирокида навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ўтказилди. Бу галги ўқувда, барча жойда бўлганидек, Президент Ислам Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилда мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган йиғилишдаги маърузаси чуқур ўрганилиб, ўқув иштирокчилари бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги мазмунли маърузаси менда жуда катта

таассурот қолдирди, — деди телефон алоқалари узатиш ускуналари цехи 1-тоифали муҳандиси Назира Бозорова. — Президентимизнинг, айниқса, замонавий компютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантириш, жумладан, виллотлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришнинг таъминлаш юзасидан билдирган фикрлари ўз долзарблиги билан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турфун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуни-

кация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозимлиги Юртбошимиз маърузасида алоҳида тилга олиб ўтилдики, бу ҳам ҳеч шубҳасиз тезкор давримиз талаблари ҳамда мамлакатимизнинг ҳозирги ва бундан кейинги тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Маънавият ва маърифат ўқуви давомида Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ўз аксини топган барча йўналишлар бўйича тўлиқ маълумот берилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар айтилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## Xalqaro hayot



### САМОЛЁТДА НОСОЗЛИК

Нью-Йоркдан Парижга йўл олган самолёт ёниги тизимида юзага келган муаммо туфайли аэропортга қайтиб қўнишга мажбур бўлди. Бундай носозлик "А-380" русумли самолётда учинчи марта кузатилмоқда.



Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай янги самолётда техник муаммолар учраши табиий ҳол. Вақт ўтиши билан у янада такомиллашди. Дунёдаги энг катта йўловчи ташувчи самолёт саналмиш "А-380" ҳаво кемаси бир вақтнинг ўзида тўққиз юз йўловчини ташиш қувватига эга.

### ҲАЗО СЕКТОРИГА ХУЖУМ

Чоршанба кuni эрталаб Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ҳазо секторидagi уч объектга зарба берди. Авиаҳужум оқибатида тиббий ускуналар сақланадиган омборда ёнғин чиққан ҳамда ўнга яқин фуқаро жароҳатланган. Улар орасида аёллар ҳам бор.

### ИРЛАНДИЯ БАНКИ КАТТА ЗАРАР КЎРДИ

Ирландиянинг йирик банкларидан бири — Anglo Irish Bankning 2010 йили кўрган зарари 16,7 миллиард еврони ташкил этди.



2009 йили ҳам Anglo Irish Bank дунёда энг катта зарар кўрган банклар қаторидан ўрин олганди. Мазкур молия муассасаси асосан қурилиш компанияларига кредит бериш билан шуғулланади. Жаҳон молиявий инқирози туфайли мамлакатнинг қурилиш бозорида кескин пасайиш кузатилди ва бу ҳолат Anglo Irish Bank учун ҳам қаттиқ зарба бўлди.

### ХАЙВОНОТ БОҒИ НОЁБ ЖОНИВОРЛАРИДАН АЖРАЛДИ

Мексика шимолидаги Чиуауа штати ҳайвонот боғида ўттиз беш турдаги ноёб ҳайвон совуқдан нобуд бўлди. Синоптикларнинг айтишича, бундай совуқ об-ҳаво сўнгги олти йил ичида илк марта кузатилмоқда.

Хабарларга қараганда, қишнинг қаттиқ келиши оқибатида кўлаб электр тармоқлари ишдан чиққан. Мамлакатдаги қатор завод, идора ва мактаблар вақтинча иш фаолиятини тўхтатган.

### ВЕЛОСИПЕДГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МОБИЛ ЗАРЯДЛАШ УСКУНАСИ

"Nokia" компанияси велосипедга мўлжалланган мобил телефон зарядлаш ускунасини яратди. Энди велосипед ҳайдовчиси ўз мобил телефонини ҳеч қандай қийинчиликсиз қувват олдириши мумкин. Ҳатто велосипед ҳаракатланаётган вақтда ҳам ушбу мослама ишлайверади. Янги зарядлаш DC-14 ускунаси — ингичка сим, рулга ўрнатилган мустаҳкамлаш мосламаси ва динамо-генератордан иборат. Айна дамда мазкур антиқа қувват олиш асбоби 30 еврога баҳоланмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Газетамизнинг ўтган сонидa хабар берилганидек, 1-2 феврал кунлари Тошкент шаҳри "Европа ва МДХ мамлакатларида электрон тўлов хизматларини қўллаб-қувватловчи кўп йиллик IFS комплекс лойиҳаси" бўйича биринчи халқаро семинарга мезбонлик қилди.

## ПОЧТА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Тадбирнинг тизим ва самарали ўтган биринчи иш кунини БПИнинг 2010 йил август ойида Кишинёв шаҳрида ўтказилган семинар йиғилишида белгилаб олинган долзарб режа ва вазифаларнинг бажарилишини таҳлил этишдан бошланди.

БПИ халқаро бюросининг почта молиявий хизматлари мувофиқлаштирувчиси С.Нанба режада белгиланган мақсадларнинг ҳудудларда амалга оширилиши юзасидан батафсил маълумот берди. Мазкур бюро почта технологиялари марказининг молиявий мақсулотлар ва хизматлар бўйича техник раҳбари С.Лиуззо бугунги кунда жаҳонда, жумладан, МДХга аъзо мамлакатлар почта тизимларида жорий этила бошлаган замонавий, тезкор IFS/STEFI лойиҳасининг афзаллик ва қулайликларини шарҳлаб, изоҳлар берди.

Тошкент семинарининг биринчи иш кунини асосан мазкур лойиҳани Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдустлик мамлакатларида жорий этиш масалалари ва муаммоларига бағишланди. Бундан ташқари, семинар кунлари Европа ва МДХ мамлакатларида почта пул ўтказмалари хизматларини ривожлантириш, янги хизмат турларини жорий этиш, уларнинг

тартиб ва тарифларини такомиллаштириш, электрон пул ўтказмалари тизимининг янги, замонавий дастурларини яратиш каби масалалар қатнашчилар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда маълум бўлишича, Украина ва Озарбайжон почта хизматлари халқаро молиявий хизматларни ривожлантириш борасида ҳамдустликнинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси почта хизматидан илгарилab кетган. Қолаверса, халқаро молиявий тизим техника ва технологияларини қўллаш борасида Қозоғистон, Молдова, Беларус почта хизматларида бир мунча ютуқларга эришилганлиги эътироф этилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, С.Нанба келатган 1,5-2 йилда жиддий ўзгаришлар қилинмаса, ҳудуд почта хизматларининг жаҳон почта операторлари ва пул ўтказиш хизматлари кўрсатувчи номдор компаниялар билан рақобатбардошлиги савол остида қолиши мумкинлигидан хавотир билдирди. Айниқса, Тожи-

кистон ва Қирғизистон почталаридан молиявий хизматларни ривожлантиришга жиддийроқ ва дадилроқ киришиш талаб этилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, ўзгаришлар қилишга иштиёқи баланд эканлиги семинарда қайд этиб ўтилди. Жумладан, жорий йил февралдан мамлакатимиз почтасининг IFS/STEFI тизимига ўтиб ишлаб бошлаганлигини БПИ мутахассислари ва ҳамкор почта хизматлари вакиллари катта муваффақият сифатида баҳолашди.

Семинар қатнашчилари иш жараёнида вужудга келган, келатган муаммо ва тўсиқларни қандай бартараф этиш, қўзланган режаларни амалга ошириш йўл-йўриқлари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Тошкент семинарида, шунингдек, Бутунжаҳон почта иттифоқининг ҳудудий лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси Ю.Спирив, АСХХ ижроия қўмитаси алоқа департаменти раҳбари ўринбосари Е.Бобкова иштирок этди.

## Сўз — семинар қатнашчиларига:

### Наврўз МАМЕДОВ, АСХХ лойиҳа раҳбари:

— МДХга аъзо мамлакатларнинг кўпчилигида IFS/STEFI лойиҳасига қизиқиш катта. Албатта, бу лойиҳа жаҳон миқёсида тап олинган технологиялардан бири. Келгуси 2-3 йил ичида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам ана шу тизимга тўлиқ ўтиши лойиҳалаштирилган.

Почта хизматида банк молия хизматларини ҳам жорий этиш ниҳоятда зарур. Негаки, банк хизматлари марказ ва шаҳарларда қулай восита бўлгани билан олис қишлоқ туманларига етиб бормайди. Почтада эса бундай имконият бор. IFS/STEFI тизимининг Украина, Озарбайжон ва Қозоғистон почталари фаолиятида бунга яна бир бор амин бўдик.

Шу ўринда айтиш керакки, бу тизимни жорий этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳар бир мамлакатнинг ички тартиб-қоидалари, қонунчилиги, ҳукумат қарорлари билан ҳисоблашишга тўғри келади.

### Сайрам БЕРДИМБЕТОВ,

#### Қозоғистон почтаси мутахассиси:

— Мамлакатларимиз аҳолисининг пул маблағларини чегараларда овора бўлиб, декларация тўлдириб юрмай почта орқали юбориб қўя қолишлари учун ишончли тизим яратишимиз керак. Бизнинг компаниямизда пул ўтказмалари хизмати "Почта-Банк" тамойилига асосланган. Яъни, пул муомаласи борасида банк нимани амалга оширса, почта ҳам худди ушундай хизмат кўрсата олади. Уйлайманки, Ўзбекистоннинг янги тизимга ўтиши ўзaro алоқаларимизда янги имкониятлар эшигини очади.

### Ирина САКСОНОВА,

#### Белорус почтаси бош директори ўринбосари:

— Тўғриси айтсам, Беларус почтаси молиявий хизматларни яхши йўлга қўя олди. Сўнгги уч йил мобайнида барча алоқа бўлимларимизни тўлиқ автоматлаштирдик. Беэвосита Ўзбекистонга тўхталадиган бўлсам, сизларда ҳам автоматлаштириш жараёни жадал кетаётганига гувоҳ бўлдим. Ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон почтаси тўғри йўлни тавлаган. Сизларда соҳанинг билимдонлари кўп. Бундай имкониятлар билан келгусида жуда катта муваффақиятларга эришиш мумкин, деб ҳисоблайман.

2011 йил замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингга етказиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якулари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

# “Ўзбектелеком” АК: Телекоммуникациялар ривожини янги босқичда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

## ИНФРАТУЗИЛМА

Ўтган йиллар мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш борасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Биргина “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғи инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғида сизими 1,9 млн. рақамдан ортиқ 2 мингдан зиёд телефон станция (АТС)лари мавжуд. Уларнинг 95 фоизи рақамли телефон станцияларини ташкил этади.

Шаҳар ва туман телекоммуникациялар тармоғида 485та АТС мавжуд бўлиб, уларнинг умумий монтаж сизими 1,7 млн.дан зиёдни ташкил этади. Республиканинг шаҳар ва туман марказларини рақамли телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етди.

Қишлоқ телекоммуникация тармоғида 1556дан зиёд АТС мавжуд. Уларнинг умумий монтаж сизими – 359,6 минг рақамни ташкил этади. Қишлоқ аҳоли пунктларидаги телекоммуникация тармоқларини рақамли технологиялар билан қамраб олиш даражаси 42 фоизни ташкил этмоқда.

Компания CDMA-450 стандартидаги симсиз алоқа тармоғи хизматларини тақдим этиш йўлида мобил алоқа бозорига фаол кириб бормоқда. “Ўзбектелеком” АК мобил алоқа тармоғида 268та база станцияси, умумий сизими 120,0 минг рақамга хизмат кўрсата оладиган бешта коммутация маркази ишлаб турибди. Мазкур база станцияларидан 45таси мобил алоқанинг 3-авлод хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Компания тармоғида шаҳарлараро телефон станцияларининг сони 13тани ташкил этиб, уларнинг умумий сизими 95 минг портни ташкил қилади, шундан 85 фоизи ишлатилмоқда.

Компаниянинг транспорт телекоммуникация тармоғида республиканинг барча вилоят марказларига 10 Гбит/сониялик тезликни таъминловчи DWDM русумдаги узатиш тизимлари ўрнатилган.

## 2010 ЙИЛ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили Давлат дастури” лоирасида “Ўзбектелеком” АК томонидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчи, компания томонидан икки босқичли “Халқаро пакетли коммутация маркази(ХПКМ)ни кенгайтириш ва

модернизация қилиш” лойиҳалари амалга оширилаётган бўлиб, лойиҳанинг биринчи босқичида 2,5 Гбит/с тезликни таъминловчи ускуналари ўрнатилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида, 10 Гбит/с тезликни таъминловчи ускуналарини ўрнатиш тўғрисидаги тегишли чоралар кўриломоқда.

Иккинчи, Ўзбекистон Миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш учун инфратузилмани яратиш юзасидан “Ўзбектелеком” АК “Маълумотлар маркази” (Дата-центр) ишга туширилди.

Миллий ресурсларни ривожлантириш бўйича виртуал сервер, IPTV, аудио-видео порталлар, домен номлари хизмати, хостинг хизматларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Учинчи, компания олдида қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлаш, республикада интернет хизматларини ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш мақсадида халқаро пакетли коммутация марказига уланган оператор ва провайдерлар учун интернет тармоғи нархини камайтириш чоралари кўрилди.

Тўртинчи, республика миқёсида рақамли ва кенг форматли телекоммуникация воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий қилиш ва ўзлаштириш бўйича “Ўзбектелеком” АК томонидан:

- Қишлоқ ҳудудларида маълумотларни узатишнинг симсиз кенг полосали тармоғини кенгайтириш тадбирлари доирасида “ZTE Corporation” ва “Huawei Technologies Co.Ltd” компаниялари билан имзоланган шартномалар асосида жами 14210 донна CDMA-450 симсиз мобил алоқа терминаллари келтирилиб, аҳолига тезкор, сифатли ва турдош хизматлар ҳавола этилмоқда.

- xDSL, CDMA-450, EVDO технологияларига асосланган кенг форматли хизматларни жорий қилиш бўйича DSLAM ускуналари, ADSL моделлари ҳамда CDMA-450 стандартидаги симсиз терминаллари харид қилиш бўйича очиқ тендер савдоларини ўтказиш юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишиб, бажарилаётган ишларнинг мантқиқий давоми сифатида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2010 йил давомида “Ўзбектелеком” АК ХПКМга уланган интернет каналларининг тезлиги қўшимча 1240 Мбит/с.га оширилди ва йил якунига келиб, Халқаро интернет каналларининг умумий тезлиги 2510 Мбит/с.ни ташкил этди.

2010 йилнинг 10 декабридан бошлаб ХПКМга уланган оператор ва про-

вайдерларга интернет хизматлари учун белгиланган тариф 1 Мбит/с. учун 849 АҚШ долларини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 44 фоизга (1,8 баробарга) камайтирилди.

2010 йил якунига кўра, қўшимча хизмат турлари бўйича жами абонентларнинг сони қарийб 1 млн.ни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 135 фоизга ўсди.

Кенг форматли xDSL технологиясига асосланган юқори тезликдаги интер-

нет хизматларининг жами абонентлари сони 36 мингдан зиёдни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 164 фоизга ўсди. Шу ўринда алоқида қайд этиш лозимки, кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилишга катта аҳамият қаратилган. Бу боралда FTTx асосида Тошкент шаҳридаги бир қанча объектларга мазкур технологиялардан ўрнатиш бўйича дастлабки чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур технологиядан фойдаланаётган миқозларга эса синов тариқасида рақамли кенг форматли телевидение хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисобот даврида, симсиз алоқа тармоғи (мобил алоқа) абонентларининг сони 50 мингдан зиёдни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан абонентлар сони 149 фоизга ўсди. EVDO технологиясига асосланган симсиз юқори тезликдаги интернет фойдаланувчилари сони 5 мингдан зиёдни ташкил этди.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисобот даврида, симсиз алоқа тармоғи (мобил алоқа) абонентларининг сони 50 мингдан зиёдни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан абонентлар сони 149 фоизга ўсди. EVDO технологиясига асосланган симсиз юқори тезликдаги интернет фойдаланувчилари сони 5 мингдан зиёдни ташкил этди.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисобот даврида, симсиз алоқа тармоғи (мобил алоқа) абонентларининг сони 50 мингдан зиёдни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан абонентлар сони 149 фоизга ўсди. EVDO технологиясига асосланган симсиз юқори тезликдаги интернет фойдаланувчилари сони 5 мингдан зиёдни ташкил этди.

## ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Кенг форматли маълумот узатиш тармоғини жадал ривожлантириш мақсадида 2011 йилда “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғини FTTx технологияси асосида реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

FTTx технологияси асосида кенг форматли тармоқни ривожлантириш ва

кўрсатиладиган хизматлар ҳажминини ошириш мақсадида 2011 йил режага мувофиқ компания филиал ва корхоналарида жами 1,5 мингта объектда (шу жумладан, кўп қаватли уйлар) умумий сизими 37 мингдан зиёд портга тенг тармоқни қуриш белгиланган.

Жорий йил якунига қадар кенг форматли музлақ юқори тезликдаги интернет фойдаланувчилари сонини 100 мингга етказиш назарда тутилган.

2011 йил якунига қадар мобил алоқа тармоғида 90га яқин янги база станциялари ўрнатилиши, шундан, кенг форматли EVDO технологиясига асосланган база станциялари сонини 93тага етказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек:

- “Маълумотлар маркази”ни модернизация қилиш, захира маскани ташкил этиш ва контент хизматларини ривожлантириш;

- Кенг форматли технология асосида рақамли ТВ (IP TV) хизматини жорий этиш;

- Республика телекоммуникация тармоғидаги эҳтиёж учун Навоий ЭИЗ-даги “Telecom Innovation” ҚКда сармоядорларни жалб этиш ҳисобидан Set-top-box, ADSL, DSLAM ва CDMA 450 стандартидаги стационар терминал қурилмаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

- Телекоммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган провайдер ва операторларнинг жиҳозларини жойлаштириш учун Тошкент шаҳрида “Телехаус” марказини ташкил этиш;

- Республика телекоммуникация тармоғининг узлуксиз ишлашини ва хизмат кўрсатиш сифати яхшилигинини таъминлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АКнинг магистрал ва зоначи тармоғини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва захиралаш лойиҳаси”ни амалга татиқ этишга тайёргарлик кўриляпти.

Юртбошимиз «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак», дея кўп бора таъкидлаган. “Ўзбектелеком” АК томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, бажарилаётган ишлар, албатта, инсон учун, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари учун хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Каримжон МУЛЛАБОЕВ,  
“Ўзбектелеком” АК мутахассиси,  
Лутфилло ТУРСУНОВ,  
“Xabar” мухбири

## СОСТОЯЛСЯ ОЧЕРЕДНОЙ СОВЕТ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИНСПЕКЦИИ СВЯЗИ ПО ИТОГАМ 2010 ГОДА

5 февраля 2011 года состоялся очередной Совет Государственной инспекции связи, в зале заседания Узбекского агентства связи и информатизации (по видеоселектору), посвященный итогам 2010 года.

На заседание Совета был приглашен первый заместитель Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Ишанходжаев, а также приняли участие заместители начальника Государственной инспекции связи, члены Совета Государственной инспекции связи, начальники и сотрудники отделов и по видеоселектору начальники и сотрудники областных подразделений. На заседании совета председательствовал начальник Государственной инспекции связи Ш.Атамухамедов.

Согласно утвержденному распорядку дня о проделанной работе Государственной инспекцией связи, по определению перспектив и дальнейших направлений деятельности на 2011 год, о поставленных задачах перед Государственной инспекцией связи и их выполнении с докладом выступил начальник Государственной инспекции связи Ш.Атамухамедов. С докладом об основных недостатках допускаемых сотрудниками инспекции при проведении проверок и изучений и о принятии мер по предотвращению недостатков, выступили первый заместитель начальника А.Гафуров и заместитель начальника Ю.Мухчи. На заседании были даны предложения по усо-

вершенствованию деятельности Государственной инспекции связи и улучшению качества проверок и изучений.

Также с докладом выступила юрист-консульт Государственной инспекции связи Г.Икрамова, в целях повышения правовой ответственности, ссылаясь на "Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности".

В завершении заседания Совета, выслушав все доклады и обсуждения, выступил первый заместитель Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Ишанходжаев, высказав своё мнение об итогах проведённых работ Государственной инспекцией связи, в течение 2010 года. А.Ишанходжаев особо отметил, что необходимо более усовершенствовать деятельность Государственной инспекции связи, уделять больше внимания качеству проводимых проверок и изучений, а также о необходимости повышения требований и ответственности.

Все высказанные предложения и недостатки в работе Государственной инспекции связи были всесторонне обсуждены на заседании и приняты соответствующие решения.

gis.uz

## «Только цифры» январь 2011

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM предлагает ознакомиться с ежемесячной статистикой за январь 2011 года.

№	Показатель	Значение	Прирост за месяц	Прирост с начала года
1.	Активных доменов UZ	11 311	+2.0%	+2.0%
2.	Активных доменов UZ с хостингом	8 144	+1.8%	+1.8%
3.	Активных доменов UZ второго уровня с хостингом в Узбекистане	3 478	-0.3%	-0.3%
4.	Официальных сайтов госорганов онлайн	108	-1.8%	+0.0%
5.	Совокупная доступность сайтов госорганов, в %	93	-1.0%	- *
6.	Активных угроз в доменной зоне UZ	16	+0.0%	- *
7.	Участников программы UZ-CERTified	337	+1.8%	+1.8%
8.	Пользователей uForum.uz	7 014	+6.9%	+6.9%
9.	Активных пользователей uForum.uz	1 230	+16.5%	+16.5%
10.	Сайтов в каталоге WWW.UZ	5 373	+1.3%	+1.3%
11.	Сайтов в каталоге WWW.UZ с доменом UZ	4 314	+1.4%	+1.4%
12.	Сайтов в Top-рейтинге WWW.UZ	3 395	+3.2%	+3.2%
13.	Хостов по всем сайтам Top-рейтинга WWW.UZ	4 049 677	+6.2%	- *
14.	Хитов по всем сайтам Top-рейтинга WWW.UZ	54 598 923	+10.4%	- *
15.	Сайтов в каталоге Ziyonet	1 808	+1.3%	+1.3%
16.	Сайтов-сателлитов Ziyonet	2 090	+8.2%	+8.2%
17.	Материалов в библиотеке Ziyonet	20 430	+5.1%	+5.1%
18.	Публикаций на портале Ziyonet	8 955	+0.8%	+0.8%
19.	Пользователей ID.UZ	11 798	+7.4%	+7.4%
20.	ГИР в реестре Reestr.uz	160	+0.0%	+0.0%
21.	ГИС в реестре Reestr.uz	83	+5.0%	+5.0%

\* Прирост за год для данных значений не вычисляется, т.к. оно не является накопительным

\*\* Государственные информационные ресурсы

\*\*\* Государственные информационные системы

Предыдущий отчет можно посмотреть на сайте Центра UZINFOCOM. Задать интересующий вопрос по данной теме можно на объединённой форумной площадке uForum.uz

Источник: Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM

## “МТС-УЗБЕКИСТАН” ПРЕДЛАГАЕТ ЕЩЕ БОЛЬШЕ SMS ЗА ТЕ ЖЕ ДЕНЬГИ – АКЦИЯ «SMS-БОНУСЫ»

С 10 до 28 февраля 2011 года активные пользователи SMS-пакетов могут принять участие в новой акции от компании "МТС-Узбекистан" – «SMS-бонусы». В рамках данной акции, абоненты компании могут активировать по прежней выгодной цене обновлённые SMS-пакеты, в которых количество исходящих SMS-сообщений по Узбекистану увеличено до 100%.

Для подключения доступны следующие SMS-пакеты:

Пакеты SMS	Стоимость пакета, \$	Кол-во включенных в пакет исходящих SMS по Узбекистану		Активация пакета
		Было	Стало	
«SMS 72 bonus»	0,55	60	72	*111*017*6#
«SMS 210 bonus»	1,30	150	210	*111*017*7#
«SMS 400 bonus»	1,50	250	400	*111*017*8#
«SMS 990 bonus»	3,00	550	990	*111*017*9#
«SMS 1700 bonus»	4,00	850	1700	*111*017*10#

"Сегодня мы предлагаем абонентам, которые предпочитают общаться посредством SMS, самую низкую стоимость на SMS-сообщения, для того чтобы пользователи данных услуг могли поздравить своих родных и близких с наступающими праздниками", — отметил заместитель Генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Нуриддин Шадманов.

Оператор мобильной связи UCell первой в стране применила самый современный вид рекламы – проекционную рекламу.

## UCCELL: ПЕРВАЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ПРОЕКЦИОННАЯ РЕКЛАМА

Это инновационная рекламная технология осуществляется с помощью проецируемой мощным проектором голограммы на специальную поверхность, благодаря чему создается максимально реалистичное изображение. Акустическая поддержка дает возможность передачи речи.

5 и 6 февраля этого года, в г. Ташкенте, посетители ряда популярных торговых и развлекательных комплексов могли наблюдать проекционную рекламу от UCell. Рекламная кампания была приурочена к запуску нового тарифного плана «Полтора».

Иккала гуруҳ пуллар ҳам икки тизимга бўлинади:

- аноним (ўхшаш) тизимлар (персоналлаштирилмаган). Бунда амалиётларни амалга оширишда фойдаланувчи идентификацияси

талаб этилмайди;

- аноним бўлмаган тизимлар (персоналлаштирилган). Бунда фойдаланувчи идентификацияси талаб этилади.

Жаҳон амалиётида электрон пуллар фиат ва нофиат электрон пулларга ҳам ажратилади.

Электрон фиат пуллар маълум бир давлат пул бирлигида бўлиб, ўша давлат пул бирлигининг бир кўриниши ҳисобланади ва давлат барча фуқароларнинг фиат электрон пулларни муомалага қабул қилишини шарт қилиб қўяди. Шунга мос равишда, электрон фиат пулларнинг эмиссияси, муомаласи ва сўндирилиши ҳам миллий қонунчиликлар, марказий банклар орқали тартибга солинади.

Электрон нофиат пуллар нодавлат тўлов тизимлари электрон бирлиги бўлиб, уларнинг эмиссияси, муомаласи ва сўндирилиши (фиат пулларга алмашиши) ҳам нодавлат тўлов тизимларининг қонун-қоидалари асосида амалга ошади. Бу каби тўлов тизимларининг бошқарилиши ва назорат қилиниши ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин. Кўпчилик нодавлат тўлов тизимлари ўз нофиат пулларини жаҳон валюталари курсларига боғлашади, бироқ давлатлар уларнинг ишончилиги ва фойдалилигига қаноат бермайди. Электрон нофиат пуллар кредит пулларнинг бир шакли ҳисобланади.

Электрон пуллар эмиссиясига келсак, бу ҳуқуқ ҳар бир давлатда ҳар хил ташкилотларга берилган. Европа Иттифоқида электрон пуллар эмиссиясини кредит ташкилотларнинг янги тури — Электрон пуллар Институтлари амалга оширади (EIMI). Ҳиндистон, Мексика, Нигерия, Украина, Сингапур ва Тайванда электрон пуллар эмиссияси банклар томонидан амалга оширилади. Гонконгда электрон пуллар эмитентлари депозит компанияси лицензиясини олишлари шарт.

Электрон пулларнинг келиб чиқиш тарихига келсак, 1993 йилда Европа Иттифоқи Марказий банклари электрон пулларни ўрганиб чиқа бошлади (у пайтда улар кўп функцияли олдидан тўланадиган карталар деб номлан-

ган) ва 1994 йилдан электрон пуллар расман амал қила бошлаган. Европа Иттифоқи марказий банклари таҳлилий натижаларига кўра, бу каби маҳсулотнинг муомалага чиқарилиши марказий банклар томонидан доимий мониторинг, ахборот алмашинуви ҳамда тўлов тизими бутунлигини сақлаб қолиш мақсадидаги сиёсий қарорлар қабул қилинишини талаб этарди. 1993 йилдан бошлаб фақат карталар асосидаги эмас, балки тармоқ электрон пуллари ҳам ривожланди.

Девид Чом таклифига кўра, электрон пуллар “кўр” рақамли имзо (blind signature) билан ҳимояланади ва офлайн тизимида ишлайди.

Электрон пуллар истиқболга келадиган бўлсак, бугунги кунда жаҳон амалиётида электрон пуллар микро тўловларни амалга оширишда нақд пулларнинг ўрнини босмоқда. Ўз сифати билан улар келажакда нақд пулларни сиқиб чиқариши мумкин деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Электрон ҳамёндаги суммага ўрнатилган лимит бу каби тўлов асбобининг хавфсиз ва ишончилигига нисбатан шубҳа ўйотмоқда. Шуниси аниқки, агар бошқа тўловчиликлар бўлмаса, яқин келажакда бу лимитлар кенгайтирилиши ёки умуман олиб ташланиши мумкин.

Электрон пулларнинг афзаллик томонлари:

- тезликнинг юқорилиги;
- пулнинг ҳажми (оғирлиги, катталиги) нақд пулдаги каби суммага боғлиқ эмас;
- эмиссия қилишнинг арзонлиги (танга ясаш, банкнота босиб чиқариш, металл, қоғоз, бўёқ харажатлари);
- пулни физик жиҳатдан санашга эҳтиёжнинг йўқлиги;
- нақд пулга нисбатан уни физик жиҳатдан сақлаш осон;
- вақт ўтиши билан электрон пуллар сифати ўзгармайди.

Электрон пулларнинг камчиликлари:

- ҳуқуқий асосларнинг етарли эмаслиги, кўпчилик давлатлар электрон пулларга муносабатини аниқлаштириб олмаган;
- электрон пуллар сақлаш ва

муомалада бўлиш учун махсус қурилмаларга эга бўлиши керак;

- нақд пуллардаги каби, ташувчи йўқ қилинганда ундаги пуллар ҳам йўқ бўлади;

- электрон пуллар ҳимоя воситаси ҳали кўп йиллик “имтиҳон”дан ўтмаган;

- хавфсизлик (ўғирлаш, қалбакилаштириш, номиналини ўзгартириш) ҳимояси кўп йиллик тарихга, яъни тажрибага эга эмас;

- технологик ҳимоянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги электрон пулларнинг янги инновацион усуллар ёрдамида ўғирланишидан сақлаб қола olmayди.

Электрон пул бир қанча афзалликларга эга бўлишига қарамадан, кўпчилик давлатлар уни муомалага киритишдан чўчишади. Чунки бу каби тезкор, аммо тажрибасиз “инструмент”нинг муомалага киритилиши солиқларни йиғиш, эмиссия билан таъминлаш, электрон нофиат пуллар муомаласи ва электрон тўлов тизимларидан пулларни “ювиш”да фойдаланиш каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Электрон пулларни муомалага киритишнинг жаҳон тажрибаси Тармоқ асосидаги фиат электрон пуллар:

- M-Pesa Африка тўлов тизими. Кения ва Танзанияда амалда.

Смарт карталар асосидаги фиат электрон пуллар:

- Visa Cash
- Mondex
- “Октопус” Гонконг карта тизими

- Chipknip Голланд тизими

Тармоқ асосидаги нофиат

электрон пуллар:

- Webmoney
- ЯндексДеньги
- RBK money
- PayPal
- Rapida

Нилуфар БОБОНАЗАРОВА,  
Тошкент молия институти  
магистранти





## Маънавият соати

Навоий ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиётшунослигида энг кўп ўрганилган. Бундан кўриниб турибдики, Навоийнинг руҳи ҳар биримиз у киши ёзиб қолдирган бебаҳо китобларни ўқишимизга ҳамиша мунтазир. Лекин очиги, Навоий бизга эмас, биз у зотга муҳтожмиз! Навоийни ўқиган сари кўнглимиз ёришади, қалбимизда шу вақтгача ҳеч туймаганимиз — ажиб бир пок сурур жилвалана бошлаганини ҳис қиламиз.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиалида 2011 йил 9 феврал куни Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган “Маънавият соати” ўтказилди. Унда бобомиз босиб ўтган йўللарга назар ташланди.

Миллатнинг фахру ифтихори бўлган бобомиз 12-13 ёшида Фариқиддин Атторнинг “Мантқиқ ут-тайр” достонини ёд билган. Улуғ шoirнинг тўрт девондан иборат “Ҳазойинул-маоний” мажмуаси жаҳон адабиётида ноёб ҳодисалиги китобда очиб берилган. Навоий ижодида, ўзбек адабиёти тарихида “Хамса” қандай ўрин тутади, “Ҳазойинул-маоний” ҳам худди шундай мавқега эга эканлиги таъкидланади.

“Маънавият соати” филиал ходимларининг Навоий шеър ва ғазаллари, рубоийлари бўйича айтишувлари тарзда давом этди. Навоийнинг ғазал ва рубоийлари асрлар давомида халқимиз қалбини ўзига ром этиб келмоқда.

Филиал директори З.Воҳидов барчага Навоийнинг турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисола-лар ёзилишига сабабчи бўлганлиги бизлар учун ибратлиги, айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили мақсад-мазмундан келиб чиқиб ҳам Навоий ижоди ва шахсий фазилатларининг бу жиҳатларини тадқиқ этишимиз зарурлигини билдирди.

**Шавкат МАМАТОВ,**  
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ  
Наманган филиали  
Маънавият ва маърифат  
ишлари бўйича масъул ходими

Кўпинча улуғларимиз ҳақида гап борганида таърифу тавсифни бир хилдаги гаплардан бошлаймиз, аммо бу икки даҳо, икки буюк сиймо таърифи сўз чамани олдида қорамтир булутлар орасидаги ой каби хира тортиб қолади, назаримда. Бу сохир сўз денгизининг мутлақ сохиблари нафасидан баҳраманд бўлган замондошлари ҳам хайрат кирғокларида туриб, уларнинг беадад ақл-заковатига, ижод уммонию юксак баҳо берганлар.

## Ўкку улуғ сиймо

Шоир, буюк давлат арбоби, улуғ донишманд Алишер Навоий ва Мирзо Бобурларнинг инсоният учун қилган хизматлари ҳақида қанча гапирсак, шунча камдир. Улар асарларидаги доно фикрлар йўлларимизни шамчиноқ каби асрлар оша ёритиб бораверади.

Бу дунё ўткинчи. Икки даҳо шоир дунё аҳлининг ардоғида яшаб келмоқда. Орадан яна минг-минг йиллар ўтади, аммо ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзо худди шундай даҳолигича қадрланади ва эъзозланади, қалбимиз ардоғида яшайверади.

7 феврал куни Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгаши, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят Халқ таълими бошқармаси тасаруфидидаги мактаблар ҳамкорлигида икки буюк сиймоларимиз-мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир, ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 528 йиллигига бағишланиб мактаб ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Тадбирни Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Гулнора Исмоилова очиб, юртимиз бўйлаб буюк алломаларимизнинг таваллуд айёмлари нишонланаётган ажойиб кўшалок байрамлар билан табрик-лаб, ажодларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган “Заковат” интеллектуал ўйини қатнашчиларига қолибликни қўлга киритишларида омад тилади.

Тадбирда 8-9-синф ўқувчиларидан ташкил топган 24-умумтаълим мактабининг “Зукколар”, 30-умумтаълим мактабининг “Ғазалхон” ва 35-ихтисослаштирилган мактабнинг “Ниҳол” гуруҳлари иштирок этдилар.

“Заковат” интеллектуал ўйини 3та гуруҳ ўртасида қизикarli савол-жавобларга бой тарзда ўтказилди. Тадбир давомида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, ўқувчилар томонидан ижро этилган ғазал ва рубоийлар кечага ўзгача сурур, ўзгача завқ бахш этди. Айниқса, 24-умумтаълим мактаб ўқувчилари ижро этган бобокалонларимиз Алишер Навоий билан Бобурнинг хаёлан учрашуви ва адабиётда кенг қўлланилиб келинаётган баҳру байт орқали уларнинг ўзаро сўзлашишлари саҳнаси тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбирда 12 балл тўплаган 24-умумтаълим мактабининг “Зукколар” гуруҳи мутлақ қолибликни қўлга киритди. Фахрли 2-ўринни 35-ихтисослаштирилган мактабнинг “Ниҳол” гуруҳи ва 3-ўринни 30-умумтаълим мактабининг “Ғазалхон” гуруҳи эгаллади. Ўйинда иштирок этган гуруҳ ўқувчилари ҳомий ташкилот — “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ҳомийларнинг яна бир қимматбаҳо эсдалик совғаси — “Энг иқтидорли ғазалхон” номинацияси бўйича қолиб бўлган “Ғазалхон” гуруҳи иштирокчиси Зарифахон Раҳмоновага насиб этди. Ўқувчилар билимини оширишга, дунёқаролини кенгайтиришга астойдил бел боғлаган, машаққатли ва шарафли касб эгалари бўлмиш барча гуруҳ устозларига ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари тақдим этилди.

Навоий ва Бобур ворисиман деган ҳар бир ўғил-қиз учун нафақат феврал ойи, балки уларнинг ноҳир асарларини ўқиган, мушоҳада қилган, ғазал ва рубоийларидан баҳраманд бўлган ҳар бир куни тантанаю байрамдир.

**О.МАМАЖОНОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ  
ИУБ 1-тоифали кутубхоначиси

## Навоийни ёд этиб

Тошкент ахборот технологиялари университети Карши филиалида мумтоз адабиётимизнинг буюк намояндаси Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган “Навоийни ёд этиб” мавзунда адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.

Филиал маънавият ва маърифат маркази ҳамда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда адабиётшунослар, маҳаллий шоир ва ёзувчилар, филиалнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти дурдонасига қўшган ҳиссаси, шоир асарларида умминсоний қадриятларнинг улуғлигини тўғрисида маъруза қилдилар.

Ўқув даргоҳининг иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган бадий қисмда шоир қаламига мансуб ғазаллардан намуналар ўқилиб, Навоий ижоди ва ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди. Филиалнинг ахборот-ресурс маркази томонидан шу куни Навоий ҳазратларининг таваллуд санасига бағишланиб илмий ва бадий адабиётлар, фото лавҳалар, чоп этилган илмий мақолалар кўргазмаси ташкил этилди.

**Зиёдулла МИРХОНОВ,**  
ТАТУ Қарши филиали 2-босқич талабаси

## Бобур буюк қадб эгаси

Шоҳ султони Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ки жаҳон шуд зи сити адлаш нур.

Ушбу сатрлар орқали шоир Камолиддин Биноий гўё бутун борлиқ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳалоллик ва адолат бобидаги шуҳратидан нурга тўлганини баён қилади.

Чиндан ҳам Бобур ўктам шахсият ва буюк қалб эгаси. Унинг қалб қасрини сўлим табиат бағрида жойлашган кўркам айвонга ўхшатиш мумкин. Айвонга узун ва озода йўлак орқали борилади. Ушбу йўлакнинг икки четига табиатдаги энг ноёб, чиройбахш гуллар экилган. Бу гулларга меҳр билан боқиб ўтган кишигина айвоннинг баланд зиналари орқали юқорига кўтарилиши мумкин. Айвонга кўтарилган сари димоғига майин ифोर урилади. Қулоқларга эса бир оз маҳзун, лекин ёқимли куй жаранги эшитилади. Шамол йўналишига монанд рақс ташаббун оқ шойи пардалар юзга жилваланиб урилади. Айвоннинг марказида биллурдан ясалган гулдон ва унинг ичида қизил рангли гул бор. У ҳеч қачон ўзининг мафтункор кўринишини йўқотмагандек гўё. Лекин унга қалб кўзи орқали зийраклик билан боқилса, у қисматнинг тўзонли шамолига учраган, йилларнинг қаҳрли силсиласида эзилган кўринишни олиши мумкин. Гул рангининг қизиллигига келсак, бу қизиллик Амударёни кечиб ўтишдаги қийноқ, эҳтимол Ватан соғинчи сабабли кўздан оққан қоннинг ранги. Бобур умри давомида мана шу қийноқ билан яшади:

*Ҳажрингда бу тун қўнғилда қайгу эрди,  
Васлинг етишмадим жихат бу эрди.*

Бобур учун сеvimли ёр — Ватан. Васл — она юрт дийдорига тўйиш. Ҳижрон — Ватандан олисда яшаш. Балки, бу қизилликнинг боиси Панипатдаги зафарларга ўз она юртида эмас, Ҳиндистонда эришганлиги учун ўзини босқинчиликда айлаб, абадий хижолатчиликда яшаганлигидир. Бобур Ҳиндистонда маланият ва маърифат ўрнатди. У жуда эрта ҳаётдан кўз юмган бўлсада, ўзининг ишлари, “Бобурнома” номли асари билан унутилмас ном қозонди. Бобур шеърларида ҳақиқий, баркамол инсон тимсоли маҳд этилади, улуғланади. Энг аввало, инсоннинг қадр-қимматини юқори тутиш, амал ва давлатга эришиб гурурланмаслик, камтаринлик каби хислатлар тарғиб этилади. Бобур ана шундай жиҳатларга, тафаккурнинг юксак парвози ва чин инсоний қалбига кўра асрлар давомида комил инсонлар қаторидан жой олиб келмоқда.

**Дилдора ЭШИМОВА,**  
ТАТУ Фарғона филиали  
1-босқич талабаси

## Адабиётлар тақдмоти

АҚШнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказига 200га яқин инглиз тилидаги адабиётлар тақдим этилди.

Ушбу адабиётлар тақдмоти 2011 йилнинг 5 феврал куни АКМнинг чет тиллар секториди бўлиб ўтди. Унда Самарқанд чет тиллар институтининг 3-босқич талабалари, Самарқанд шаҳар 5-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирок этишди.

Тақдмот кечасини АКМ директори ўринбосари Н.Огнева очиб берди. Ушбу янги адабиётлар асосан болаларга мўлжалланган бўлиб, инглиз тилидаги бадиий, географик адабиётлар, энциклопедия, эртақлар, ҳикоялар, шеърлар тўплами ёш китобхонларни ўзига жалб этмай қолмайди.

## Олис юлдуз шуъла таратар

Шу йил 7 феврал куни сержантлар тайёрлаш мактаби, А.С.Пушкин номидаги вилоят АКМ, “Камолот” ЁИХ Самарқанд шаҳар бўлими ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудига бағишланиб “Олис юлдуз шуъла таратар” номли адабий кеча ўтказилди. Кечани сержантлар тайёрлаш мактаби капитани Р.Фатхулдинов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг “Камолот” ЁИХ Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи Р.Қобилов сўзга чиқиб, бобомиз Мир Алишер Навоий ижодиётига бағишлаб маъруза қилди. Ҳазаллардан намуналар келтириб, адабий меросимизнинг қанчалик улғу ва бетакрорлиги тўғрисида ҳарбийларга батафсил маълумотлар бериб ўтди.

АКМ оилавий ўқш бўлими мудир Г.Мухторова томонидан махсус адабиётлар шарҳи берилди.

Махбуба КУЛОВА,  
АКМ бўлим мудир

## Шунқор ота

Кувасой почта алоқаси ривожига энг кўп ҳисса қўшганлардан бири Шунқор ота Машрабов. “Унинг умри почтада ўтган”, дейишади валикликлар.

— Пенсияга чиққангизга ўн беш йиллар бўлиб қолди, — дейди отахон. — Боболик бурчларимни бажариб, фарзандларга бош бўлиб юрибман. Бу даврнинг ҳам ўзига яраша гашти бор — бу ҳам худо берган умр, синов. Етказганига шукр.

Ҳалол, виждон амрига кулоқ тутиб яшаган инсоннинг кексаги шундай хотиржам ва осойишта кечиши табиий.

— “Валик алоқа бўлими бошлиғи” — меҳнат дафтарчамда бошқа ёзув йўқ, — фахрланиб қўяди Шунқор ота. Қўлида ишлаганлар ҳам нобон йўлга кириб кетишмади. Бўлмасам-чи, ишга олишда жуда эҳтиёткорлик кўрсатган-да! Почта шундай жойки, тоза ишламагани кечирмайди.

— Нима учун фарзандларингиздан бирортаси касбингизни олмади?

— Мен қийналдим, булар қийналишмасин дедим. Енгил иш эмас, жавобгарлиги катта. Сўроқ-саволи кўп. Мижоз билан тиллашиш учун арслоннинг юрагидек юрак керак одамга.

Отахон камтар, камгап. Унинг радиотехник, радиоузелчи вазибаларини ҳам бемалол бажаравганини, радиомизни тузатиб беринг, деб келганлар-

ни йўқ демай, дарҳол бориб тузатиб берганларини ҳамқишлоқлари яхши эшлади.

— Сизгача кимлар почтада ишлаганини биласизми?

— Сал-пал биламан. Адашмасам, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Довуд тоға Мирзааҳмедов ишлаган. Почта жўнатмаларини Кувасойдан эшакда ташиганини эшитганим бор. Менимча, 1950-1955 йилларгача жўнатмалар асосан эшак ва отларда ташилган. Машиналар 1960 йилларга келиб кўпая бошлаган. 1967 йилдан бошлаб жўнатмалар ГАЗ-51да ташилган. Бортовой ҳам дейиларди ўша машина.

Ундан кейин Ёрмамат тоға, кейинроқ Салимжон тоға, Исроилхон Юнусов, Қамбарали Сафаровлар ишлаган. Худо раҳмат қилсин, ҳаммалари тоза ишлаган, бировнинг ҳақиқа хиснат қилишмаган, ишларини яхши кўришган.

Отахон шогирди Далахон Ҳасанов ҳақида, айниқса, меҳр билан гапирди:

— Зеҳни ўткир эди раҳматлининг. У ҳам ўз навбатида жуда кўп шогирдлар етиштирди. 5 дақиқда почтани алмаштириб улгурардик. Ҳарбийча интизом, мундарижага қаттиқ риоя қилардик. Республика, вилоят газеталари ўша вақтда соат 12.00да келтирилди ва ўша кунгек тарқатиб булардик. Телеграммалар жуда кўп бўларди, олган захоти эгасига топширардик.

— Яна қандай хизматлар кўрсатиларди?

— Омонат кассамнинг номери 697402 эди. Қўшимча 40 сўм ойлик бериларди. Конверт, откритка, марка сотардик.

— Пенсия қачондан бошлаб тарқатила бошлаган? Эслайсизми?

— Ишга кирган йилларимда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 12 сўмдан пенсия тарқатардим. Ёши, қарисига қарамасди. Шундан ҳеч қанча ўтмай қарилк пенсияси тайинланганларга ҳам 12 сўмдан пенсия топширадиган бўлганман.

Донишманд отахоннинг чехраси хаёлига келган фикрдан янада нурулини кетди:

— Кувасойда марказий почтани яп-янги қилиб қўйишганини эшитиб, бошим осмонга етди. Барака топишсин, раҳбарлар ҳам, жамоа ҳам баб-баравар тер тўкишибди. Ҳаммаси одамлар учун, халқ учун.

Ҳа, ўз ибораси билан айтганда, Шунқор ота 32 йиллик меҳнат фаолиятида тоза ишлади. Шогирдларини, фарзандларини элга ва ишга муҳаббатли қилиб тарбиялашга муяссар бўлган пиру бадавлат Шунқор бобо 22 неvara, 5 чевара ардоғида яшамокда.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали жамоаси Мингбулоқ туман почта алоқаси тармоғи иш юритувчиси Қумрихон УРОЛОВАни кутлуғ 50 ёши билан самимий қутлайди.

Унга мустақкам соғлиқ, узок умр, оилавий бахт, фарзандлари бахтикамоллини кўришишни тилаб қолади.

\*\*\*

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Жиззах филиали жамоаси корхона етакчи мутахассиси Сайфиддин ШОҲСАИДОВни таваллуд айёми билан табриқлайди. Унга сиҳат-саломатлик, ишларида зафарлар тилайди.

\*\*\*

Ҳурматли Марям МУХЛИСОВНА! Сизни 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз! Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз! Ватанимиз равнақи йўлидаги саховатли ишингизда ютуқлар ҳамиша ҳамроҳ бўлсин! “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали Жума почта алоқаси тармоғи ва касоба уюшмаси кўмитаси жамоаси.

## “Севимлилар яқинроқ” акцияси

2011 йил 7 феврал — 1 март кунлари “Севимлилар яқинроқ” акциясига уланган “МТС-Ўзбекистон” компаниясининг ҳар бир абоненти “МТС-Ўзбекистон” компаниясининг исталган рақамини танлаши ва унинг эгасига ҳеч қандай чекловларсиз кўнгироқ қилиши мумкин. Танланган рақамда барча чиқувчи кўнгироқлар сеvimли рақам ўрнатилган вақтдан бошлаб 30 кун бепул бўлади.

“Севимлилар яқинроқ” акциясида иштирок этиш учун қуйидаги USSD-командани юбориш кифоя: \*111\*891\*  
<халқаро форматдаги телефон рақами># ёки компаниянинг яқинроқ офисига мурожаат қилиш лозим.

“Янги таклиф шарофати билан абонентларимиз бир ой давомида яқин инсонлари билан мулоқотда бўлиб, бемалол илиқ сўзлар улашишлари мумкин. Ташаббусимиз абонентларимизга яқин инсонларига янада яқинроқ бўлиш имконини беради деган умиддамыз”, — дея таъкидлади, “МТС-Ўзбекистон” компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Н.Шодмонов.

## “Ишончли тўлов” сарҳисоби

“Билайн” 2010 йилда “Ишончли тўлов” хизматидан фойдаланганлик сарҳисобини яқунлади. Мазкур сервисдан фойдаланувчилар сони 2009 йилдагига нисбатан 36 фоизга ўсган.

“Биз Ўзбекистон бозорида ушбу хизматни биринчи бўлиб таклиф қилдик, — дейди “Юнител”нинг оммавий бозорини ривожлантириш бўйича тижорат директори Марат Сериков. — “Ишончли тўлов” “Билайн”нинг энг оммавий сервисларидан бири бўлиб қолмоқда ва ўтган йилнинг ўзида ундан қарий бир ярим миллион аҳоли фойдаланганлиги буни тасдиқлайди”.

Эслатиб ўтамиз, “Ишончли тўлов” хизмати абонентга 3 кун муддатга \$0,3 дан \$2,5 гача келаси тўлов ҳисоби билан қарз олиш имкониятини беради. Хизмат биринчи навбатда ҳисобларини катта бўлмаган миқдорда тез-тез тўлдириб турадиган ва доимий алоқада қолишни истаган абонентлар учун мўлжалланган. “Ишончли тўлов” суммаси абонент томонидан охириги 3 ой мобайнида алоқа учун тўлаган ўртacha суммасидан келиб чиқади.

## UCellдан “Оддий бир ярим» тарифи

Жорий йилнинг 5 феврал куни UCell ўз абонентларига янги ўзига хос “Оддий бир ярим” тариф режасини таклиф эта бошлади. Бу тариф режаси мулоқотни янада қулай ва эркин қилишга мўлжалланган.

“Оддий бир ярим” тариф режаси Prepaid тизимидаги абонентлар учун бўлиб, номининг ўзида унинг энг катта афзаллиги намоён этилган — Ўзбекистон бўйлаб барча чиқиш кўнгироқлари, SMS ва MMS нархи атиги бир ярим цент! Кириш кўнгироқлари, SMS ва MMS бепул ва абонент тўлови умуман йўқ. 1 Мб интернет нархи — \$0,10. Энди сизнинг суҳбатдошингиз “Ucell” ёки бошқа уяли алоқа оператори абонентими, симли телефондан гаплашяптими — буларнинг фарқи йўқ. Чиқиш кўнгироқлари ва хабарлар доимо бир ярим цент.

## Соҳа футзали: бугун раҳбар-ҳодимлар ўртасидаги турнир старт олади

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, шу йилнинг 11-13 феврал кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида кирувчи акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимлардан тuzилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича Республика мусобақалари ўтказилади.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт залида ўтказилиши белгиланган мазкур мусобақаларда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ҳамда ОАТ "Алоқабанк" жамоаси (жами 15 жамоа) иштирок этиши кутилмоқда.

Уч кун мобайнида ўтказилиши кўзда тутилган бу мусобақаларнинг тартиби максимал даражада соҳа кубоги учун финал мусобақаларини ўтказиш тартибига яқинлаштирилган. Жамоалар аввалгига гўртта гуруҳга бўлиндилар. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган



жамоалар чорак финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Фарқи шундаки, мусобақаларда иштирок этувчилар ёшларини инобатга олган ҳолда, ўйин бўлимлари 20 дақиқа эмас, балки 15 дақиқани ташкил этади.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур баҳсларда иштирок этиш учун барча жамоалар қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри терма жамоаси ўз машғулотларини ТАТУ спорт за-

лида сентябр ойидан буён ўтказиб келмоқда.

Ўтган ҳафтада пойтахтлик алоқачи-раҳбарлар сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишди. Унда ўзига хос спарринг-рақиб вазифасини ОАТ "Алоқабанк" ва Сирдарё вилояти жамоалари ўтаб беришди. Уч жамоа ўзаро ўртоқлик баҳсида куч сынашиш, жамоаларининг тайёргарлиги ҳамда имкониятларини сўнгги бор чамалаб кўриш имконига эга бўлишди.

### Одил Аҳмедов

#### «Анжи»да ижарада

«Пахтакор» клуби расмий сайтининг хабарига кўра, жамоа етакчиси Одил Аҳмедовнинг бошқа клубга ўтиши масаласига ойдinлик киритилган.

Одил Аҳмедов Россиянинг «Анжи» (Махачқалъа) жамоасига бир йил муддатга ижарага берилди. Клублар ўртасида тегишли келишув имзоланди. Футболчимиз тиббий кўрикдан ўтгач, клуб билан шартномага имзо чекди.

«Пахтакор» футбол клуби раҳбариятининг маълум қилишича, Одил Аҳмедов «Пахтакор» аъзоси бўлиб қолаверди. Клуб ва Аҳмедов ўртасида кўп йиллик шартнома мавжуд. Одил Аҳмедовни харид қилиш хусусида расмий тақлиф фақат икки жамоадан тушган, холос. Булар «Анжи» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал Шабаб» клубларидир. Гап-сўзлар ва миш-мишларда эътироф этилган бошқа барча харидор жамоаларнинг бирортаси «Пахтакор» клубига расман мурожаат қилмаган. Худди шунингдек, ўша хабарларда тилга олинган маблар ҳам амалдаги шартномада белгиланган нархдан анча юқори.

Футболчининг фаолиятини давом эттирадиган клубни танлашда «Пахтакор» клуби мутасаддилари Аҳмедовнинг кучли лигада ўйнамоқчи эканлигини инобатга олди. Янги мавсумда ярим ҳимоячимиз ўз маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлди.

### Легионерларимиз

#### сони кўпаймоқда

Қатарда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Вадим Абрамов шогирдларининг намойиш қилган чиройли ўйинлари ва жамоанинг ўз тарихида биринчи бор ярим финалгача етиб келиши Ўзбекистон миллий терма жамоасининг қатор футболчиларига хориж клубларидан тақлифлар тушишига сабаб бўлди. Аввалгига Сервер Жепаров «Сеул» (Жанубий Корея) билан уч йиллик шартнома имзолаган бўлса, Одил Аҳмедов Россияга йўл олди. Шунингдек, Шавкат Муллажонов «Ал-Аҳли» (Қатар), Темур Кападзе «Инчхон Юнайтед» (Жанубий Корея), Анзур Исмоилов «Чанчун Ятай» (Хитой) жамоалари билан битимга эришди.

### Вадим Абрамов

#### ўз лавозимида қолади

Ўзбекистон Футбол федерацияси расмий сайтининг хабарига кўра, Вадим Абрамов Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи сифатида ўз ишини давом эттирадиган бўлди. Бу ҳақда 7 феврал куни бўлиб ўтган Мураббийлар кенгаши аъзолари қарор қабул қилди.

Абрамовга миллий терма жамоада, бундан аввал бўлгани каби, Шухрат Мақсудов ёрдам беради. Ўзбекистон Футбол федерацияси, кутилганидек, Абрамов олдига терма жамоани 2014 йилда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг финал қисмига олиб чиқиш вазифасини кўйди.

### Марат Мифтахуддинов

#### ва Тоҳир Кападзе

### Ўзбекистон олимпия термасида

Марат Мифтахуддинов ва Тоҳир Кападзе Ўзбекистон Олимпия терма жамоасини катта мураббийлар сифатида бошқаришади.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мураббийлар дуэти — Марат Мифтахуддинов ва Тоҳир Кападзе раҳбарлигида 19 июн куни старт оладиган Олимпиада-2012 саралаш баҳсларида иштирок этади. Унгача эса, Япония олимпия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказиш режалаштирилган.

### Ришод Собиров яна чемпион!

Ўзбекистонлик дзюдочилар Ришод Собиров ва Хуршид Набиевлар Парижда бўлиб ўтган «катта дубулга» тоифасига кирадиган халқаро турнирда мос равишда олтин ва бронза медалларни қўлга киритишди.

2008 йилги Пекин олимпиадасининг бронза медали совриндори Ришод Собиров голиблик йўлида Людвиг Чаммартин (Швейцария), Николас Коссор (АҚШ), Тору Шишима (Япония), Амиран Папинашвили (Грузия) ва финалда арманстонлик Говханнес Давтянни мағлубиятга учратди. 60 кг. вазн тоифасида бронза медали Амиран Папинашвили ва украинлик Сергей Зантарияга насиб қилди.

Хуршид Набиев эса 90 кг. вазнда бронза медалларни франциялик Роман Буфе билан биргаликда қўлга киритди. Бу вазнда биринчи ўрин япониялик Дайки Насиямага насиб этди. Иккинчи ўринни бразилиялик Тяго Камилло қўлга киритди.

Эслатиб ўтамир, Ришод Собиров январ ойида Озарбайжонда бўлиб ўтган Мастерс кубогида ҳам 1-ўринни эгаллаганди.

### Теннисчиларимиз

#### ғалаба билан бошлашди

Ўзбекистонлик теннисчи Денис Истомин Американинг Сан-Хосе шаҳрида бўлиб ўтаётган SAP Open турнирининг биринчи даврасида ғалаба қозонди. Ушбу турнирнинг мукофот фонди 531 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳамюртимизнинг 1/16 финалдаги рақибни молдовалик Роман Борванов бўлди. Биринчи сет 6:3 ҳисоби билан якунланган бўлса, иккинчи сетни Истомин 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Истомин ушбу мусобақада 5-тартибли теннисчи сифатида иштирок этмоқда. Унинг нимчорак финалдаги рақиб мезбон теннисчи Майкл Руссол бўлади.

Шунингдек, яна бир теннисчимиз Оқғул Омонмуродова ҳам Таиланддаги мусобақани ғалаба билан бошлади. Мукофот жамғармаси 220 минг доллар бўлган PTT Pattaya Open 2011 деб номланган мусобақанинг биринчи босқичида хитойлик Цзэ Чжанни 6:4 ва 7:6 ҳисобларида мағлуб этди. Омонмуродованинг кейинги босқичдаги рақиб ЖАРдан ташриф буюрган Шанел Схеперс бўлади.

### Футзал:

#### халқаро турнир

Озарбайжонда халқаро турнирда иштирок этган Ўзбекистон футзал терма жамоаси сўнгги ўйинда Латвия терма жамоасини мағлубиятга учратди. Баҳодир Аҳмедов шогирдларининг 6 голига латвияликлар 3 тўп билан жавоб қайтаришди. Ўйинда Нодир Элибоев ва Жамол Шариповлар «дубл» муаллифига айланган бўлса, бир гол Дилшод Ирсалиев ҳисобига ва яна бири эса автогол сифатида латвиялик футзалчи ҳисобига ёзилди.

ЛАТВИЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 3:6  
Голлар: Ирсалиев, 7 (0:1), Шарипов, 13 (0:2), 22 (0:3), Элибоев, 28 (0:4), 38 (1:6), Шустров, 31 (1:4), 40 (2:6), Золотухинс, 37, автогол (1:5), Яковлевс, 40 (3:6).

Аввалги ўйинларда футзалчиларимиз Озарбайжон (3:5) ва Украина (0:1) терма жамоаларига мағлуб бўлишганди. Кеча мезбонлар Украинани 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақа голибига айланишди. Шу тариқа терма жамоамиз халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади. Футзалчиларимиз 3та ўйинда 9 та гол уриб, ўз дарвозаларидан шунча гол ўтказиб юборишди.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Радиоалоқа, радиозастириш ва телевидение маркази" ДУК техник директори Босит Абидовга волидан мухтарамаси  
**Шарифа аянинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Наманган вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Юсуфхон Ишанова пацарни бузрукворини  
**Умархон ИШАНОВнинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Радиоалоқа, радиозастириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси техник директор Босит Абидов ва иқтисод бўлими бошлиғи Баҳодир Абидовга волидан мухтарамаси  
**Шарифа аянинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали ҳамда Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоаси Андижон филиали Пошту почта алоқаси тармони почта технологиялари мудири  
**Абдуғофир ХИРМОНОВнинг**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

XALQ TABOVATI

# ХОНАДОН „ШИФОКОРИ“

Хонадонда гул ўстирувчиларнинг кўпчилиги алоэнинг турли навларини авайлаб парваришляшади. Сабаби, уни шифобоҳш гул деб билишади. Лекин алоэнинг барча хусусиятларидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Аслида алоэ ҳақиқий хонадон “шифокори” бўлиб, у дярли барча хасталикларга даводир.

Алоэнинг шифобаҳш хусусиятлари ҳақида ота-боболаримиз яхши билимга эга бўлишган. Унинг асл ватани Африка бўлиб, кейинчалик Миср, Италия, Греция ва Ҳиндистонда ҳам етиштирила бошланган ва унинг шифобаҳш хусусиятларидан бу мамлакатлар аҳолиси унумли фойдаланишган. Эрамиздан аввалги минг йилликларда қурилган Миср эҳромларидаги фиръавнлар қабрларидан алоэ қолдиқлари топилигани алоэнинг жуда қадимдан етиштирилгани ва унинг шифобаҳшлигини яхши билишганидан далолатдир. Қадим манбаларда келтирилишича, Миср маликаси Нефертити алоэдан пардоз



воситаси сифатида фойдаланган. Ўсимлик баргининг ичида жойлашган елимсимон суюқлик билан суг аралашмасидан тайёрланган ниқоб малика юзининг тиниқ ва таранг бўлиши учун хизмат қилган.

Замонавий тиббиётда ҳам алоэ кенг қўлланилади. Масалан, йирингли яралар, куйиш, оғиз бўшлиғи, томоқ, нафас йўллари, кўз, тери ҳамда ошқозон-ичак хасталикларини даволашда алоэ энг яхши воситадир. Шунингдек, алоэ шарбати стрептококк, дифтерия ва дизинтерия, стафилококк таёқчаларини йўқотишда тавсия этилади.

Ўсимликшунослар алоэ баргларида инсонга ҳаётий қувват бағишловчи моддалар кўпчилигини аниқлашган. Алоэдан фойдаланувчилар шуни унутмасликлари лозимки, алоэ барглари 4-6 даража иссиқлик мавжуд бўлган қоронғи жойда сақланса, ўсимлик барглари инсон танасидаги тўқималар яшовчанлигини оширишга хизмат қилувчи биоген моддасини ўзида кўпроқ тўплайди. Бу модда оғир хасталикларни даволашда муҳим омилдир.

Доришуносларимиз алоэдан фойдаланган ҳолда кўплаб дорилар тайёрлашга эришганлар. Улардан бири сабур бўлиб, у мавжуд хасталикни секинлаштириш хусусиятига эга. Алоэ шарбати эса тери қатламлари ва шиллиқ пардалар тикланишига ёрдам беради. Шунингдек, дорихоналарда осон топиладиган алоэ линименти, алоэ крем-гели ҳамда темир моддаси билан бойитилган алоэ суюқлиги турли хасталикларга яхши даводир.

**Тувакда ўстирилган алоэдан фойдаланмоқча бўлсангиз, биринчидан у камида уч йиллик бўлиши лозим, барглари эса ўсимликнинг энг пастки қисмидан олсангиз мақсадга мувофиқ бўлади. Энди эса алоэдан фойдаланиш усуллари билан танишинг:**

**Томоқ оғриганда,** алоэ шарбати сув билан тенг миқдорда аралаштирилиб, томоқ йўллари ювилади.

**Йўтал чоғида:** ярим стакан алоэ шарбати уч ош қошиқ асал ва 50 грамм қаймоқ билан аралаштирилади. Аралашма кунига икки марта бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

**Тумов пайтида:** янги алоэ шарбатини қайнаган сув билан 1:10 нисбатда аралаштириб, кунига 2-3 марта бурunga кам-кам томизиш керак.

**Ярага** алоэ барги қирқилиб, қирқилган томони кўйилса, яхши самара беради.

**Шамоллаганда:** 300 грамм алоэни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, бир ош қошиқ асал ва 15 гр. спирт билан аралаштирасиз. Сўнг кунига бир чой қошиқдан, овқатдан олдин истеъмол қилинади.

Асал, ун ва алоэ аралашмаси **чипқонни даволашда** асқотади.

Асал билан қўшилган алоэ балиқ ёғи билан бирга ишлатилса, **йиринглаган ва куйган яраларни тез тuzатади.**

Янги ёки дорихона шарбати бир чой қошиқдан кунига икки-уч марта истеъмол қилинади. Уни овқатланишдан ўттиз дақиқа олдин ичилса, **овқат ҳазм қилишни** яхшилайди.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

**ЭНГ** машҳур васиятнома Альфред Нобелга тегишли. Аммо шу ҳужжат сабаб Нобелнинг қариндошлари қирқичоқ бўлишган. Нега дейсизми? Чунки олим ўз яқинларига атиги ярим миллион кронни мерос қилиб қолдирган. Қолган 30 миллион эса машҳур Нобел мукофоти таъсис этиш учун сарфланган.

**ЭНГ** фойдали васиятнома Уилям Шекспир қаламига мансуб экан. Унда ёзилишича, ёзувчи бор-будини, уйдаги жиҳозидан тортиб, кийиму пойафзалига, қайси нарса кимга берилиши ҳақида эринмасдан санаб ёзган экан. Васиятноманинг фойдали томони шундаки, у машҳур ёзувчи Уилям Шекспир ҳақиқатан ҳам яшаб ўтганидан далолат берувчи ягона ҳужжат ҳисобланади.

**ЭНГ** қисқа васиятнома эгаси лондонлик банкир ҳисобланади. Ҳужжат фақатгина уч сўздан иборат бўлган: «Мен касодга учрадим».

**ЭНГ** узун васиятномани эса Америка Қўшма Штатларига асос солганлардан бири Томас Жефферсон ёзиб қолдирган. Ҳужжатда мол-мулк тақсимоли тўғрисидаги буйруқлар Америка тарихига доир фикр-мулоҳазалар билан чалкашиб кетган. Жефферсон васиятномасига мувофиқ, фақатгина барча қўлларни озодликка чиқарган меросхўр ўзига тегишли мулк қисмига эга бўлган.



## Хандалар

Хўжайин, маошнинг оширмасангиз бўлмайди. Мен билан учта ташкилот қизикяпти.  
- Наҳотки? Қайси ташкилотлар экан?  
- Телефон алоқаси, электр тармоғи ва солиқ идораси.

\*\*\*

Тикувчи буюртмачининг матосини қайта-қайта ўлчачди. Буюртмачининг сабри тугаб, деди:  
- Узингизга қилини учун қайта-қайта ўлчаясизми?  
- Сизга эмас, деб ўлчаниман.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-202 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 18629 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 226-87-71

Қаршида 314-08-99